

4-1-2018

## IMPROVING INNOVATION POTENTIAL IN HIGHER EDUCATION SYSTEM

B. Ruziyev

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Ruziyev, B. (2018) "IMPROVING INNOVATION POTENTIAL IN HIGHER EDUCATION SYSTEM," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 18.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss2/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**Рузиев Б.С. – ТМИ, катта  
илмий ходим-изланувчи**

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ**

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида инновацион салоҳиятни ошириш бўйича мавжуд муаммолар, соҳалар бўйича талабалар қабули, педагог-ходимларнинг илмий салоҳияти, олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларни амалга ошириш учун мавжуд моддий-техник база таҳлил қилинган.

**Калитли сўзлар:** олий таълим тизими, олий таълим муассасаси, илмий-тадқиқот фаолияти, педагог-ходим, талаба, илмий салоҳият, инновацион салоҳият.

В данной статье выявлены проблемы повышения инновационного потенциала в системе высшего образования Республики Узбекистан, проанализированы состав приёма студентов по областям знаний, научный потенциал педагогов, имеющаяся материально-техническая база для осуществления научно-исследовательской деятельности в вузах.

**Ключевые слова:** система высшего образования, вуз, научно-исследовательская деятельность, педагог, студент, научный потенциал, инновационный потенциал.

In this article problems of increasing of higher education system's innovative potential in the Republic of Uzbekistan are revealed, also a structure of enrollment of students of different education fields, the scientific potential of teachers, the available material and technical resources for implementation of research activity in high schools were analyzed by author.

**Keywords:** higher education system, high school, research activity, teacher, student, scientific potential, innovative potential.

Сўнги йилларда жаҳон миқёсида инсон капитали, илмий кашфиётлар, ихтиролар ва амалий ишланмаларнинг иқтисодий тараққиётнинг омиллари сифатида аҳамияти ошиб бормоқда. Билимга асосланган инновацион иқтисодиётни шакллантириш мақсади - барча бозор муносабатлари иштирокчиларидан янги ғоя ва лойиҳаларни излаб топиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш, турли илмий-техника масалаларини ўз вақтида ечиш ва шу боис корхона ва республика рақобатбардошлигини оширишни талаб этади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам кенг кўламли модернизация жараёнларини амалга ошириш босқичида “таълим, фан ва ишлаб чиқариш” интеграциясини кучайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Мазкур уч соҳани ўзаро боғлиқ фаолиятини таъминлаш,


эришилган натижаларни иқтисодий тараққиётга қўшган ҳиссасини оширишда олий таълим тизимининг аҳамияти катта. Барча ривожланган давлатларда (АҚШ, Япония, Европа мамлакатлари ва бошқалар)да олий ўқув юртлири нафақат талабаларга фундаментал ва амалий билим берадиган, олий малакали мутахассислар тайёрлайдиган ўқув масканлари, балки мамлакатдаги олимларни, иқтидорли ёшларни, фан-техника мутахассисларини жамлайдиган илм-фан марказлари, ишлаб чиқариш корхоналари буюртмаси асосида янги маҳсулотлар, интеллектуал мулк объектларини яратувчи муассасалар ҳисобланади. Шунинг учун республика инновацион салоҳиятини ривожлантиришда ва билимга асосланган иқтисодий тизимга ўтиш учун замин яратишда олий таълим тизимини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев олий ўқув юртлиридаги илм-фанни янада ривожлантириш муаммоси бўйича: “Бу ўринда, менинг назаримда, иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур: биринчи – илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт; иккинчи – академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” деб таъкидлаб ўтганлар. [1] Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришда талабалар, педагоглар, олимлар, академикларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда яратилган шарт-шароитлар тенг аҳамиятга эга.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада 42 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунда мамлакатимизда 58 та институт, университетлар ва уларнинг 15 та филиали мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” Қонунига асосан, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш икки босқичда - бакалаврият ва магистратурада амалга оширилади. 2015-2016 ўқув йили мобайнида республикада жами талабалар сони 264 145 тани ташкил этган бўлса, улардан 253 369 та талаба (умумий сонидан 96%) бакалаврият йўналишларида, 10 776 таси эса (4 %) – магистратура мутахассисликлари бўйича таҳсил олмоқда. [2] Уларнинг орасида иқтидорли, ташаббускор ва илмий-тадқиқот фаолиятга лаёқатли ёшлар кам эмас. Масалан, биргина 2015-2016 ўқув йилида 399 та талаба турли стипендия, давлат мукофоти, хорижий давлатлар стипендиялари совриндорлари бўлиб, илмий-тадқиқот ишларида 6317 та талаба иштирок этган, 16159 та талаба илмий мақола чоп этиб, 13198 та талаба турли илмий-амалий анжуманларда маърузалари билан қатнашганлар.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш учун ҳар бир олий таълим муассасаси битирувчиси турли амалий масалаларни ечишга керакли билим даражаси ва кўникмаларга эга бўлиб, илмий-техника тараққиётининг ўсиш суръатлари

жадаллашиши шароитида доимий равишда билимларни янгилаш, бойитиш ва янги билим яратишга тайёр бўлиши лозим. Ҳар йили ўтказиладиган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида талабалар ишланмалари катта қизиқиш уйғотиб, йилдан-йилга уларнинг сифат кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Инновацион салоҳиятни ривожлантиришда техника ва аниқ фанлар соҳаси битирувчилари ишлаб чиқаришдаги амалий масалаларни ечишда катта рол ўйнайди. Сўнгги йилларда олий таълим тизимида билим соҳалари бўйича талабалар қабули таркибида ишлаб чиқариш-техник соҳага қабул квоталари кўпайиб, ижтимоий соҳа, шу жумладан иқтисод ва ҳуқуқ олий таълим муассасаларига талабалар қабули сони камайганини кузатишимиз мумкин. 2015-2016 ўқув йилида талабаларнинг билим соҳалари бўйича қабул таркиби куйидагилардан иборат бўлган (1-расмга қаранг).




**1-расм. 2015-2016 ўқув йилида республика ОТМларининг билим соҳалари бўйича талабалар қабули таркиби, %**

Бакалаврият талабалари учун ишлаб-чиқариш-техник ва гуманитар билим соҳалари биргаликда таҳлил даври мобайнида талабаларнинг умумий сонининг 70 фоизидан кўпроғини ташкил этмоқда. Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ соҳаси талабалари эса барча бакалаврларнинг 10 фоизидан камроғини, қишлоқ ва сув хўжалиги – 9,2 фоизни, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳаси эса – 5,4 фоизни ташкил этганини кузатишимиз мумкин. Магистратура мутахассисликлари учун ҳам ишлаб-чиқариш-техник ва гуманитар билим соҳалари етакчи бўлиб, бакалавриятдан фарқли ўлароқ, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳасига 17,1 фоиз магистратура талабалари тўғри келади. Бундай тақсимот республикамизнинг меҳнат бозоридаги вазият, ушбу соҳалар мутахассисларига

бўлган талаб ва таклифни инобатга олган ҳолда ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва давлат бошқаруви органлари томонидан қайта кўриб чиқилади. Билимга асосланган инновацион иқтисодий шакллантириш аҳолининг касбий таълим даражаси ва сифатига янги талаблар қўймоқда. Ишлаб-чиқариш-техник ва гуманитар билим соҳаларга талабалар сонининг кўпайиши, албатта, мазкур соҳаларни ривожига ижобий таъсир кўрсатади ва битирувчилар олган билимларини амалиётда қўллаш имкониятига эга бўладилар.

Инновацион ривожланиш йўлига ўтишда нафақат турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш масаласи, балки олий таълим тизимида банд бўлган ходимларни юқори илмий ва ижтимоий-иқтисодий фаоллиги талаб этилади. Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот фаолият билан шуғулланаётган ходимлар сони 36 839 тага баробар бўлса, уларнинг 64,6 % олий таълим муассасаларининг илмий-педагог кадрлари ташкил этади. [3]

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида 23 минг 797 нафар педагог-ходим асосий штатда фаолият юритиб келмоқда, ундан ташқари 5039 та педагог ўриндошлик асосида ва 838 нафар соатбай ишловчи ўқитувчилар ушбу фаолият тури билан шуғулланмоқдалар. Ҳар бир профессор-ўқитувчига ўртача 11,1 нафар талаба тўғри келади. [2] Ҳар бир замонавий педагогнинг вазифаси – нафақат маълум соҳа бўйича чуқур билимлар бериш, балки талабалар орасидан иқтидорлиларини танлаб, уларни илмий, илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, кашфиётчилик қобилиятларини янада ривожлантириш. Бу эса ўз навбатида, педагог-ходимларни илмий салоҳият кўрсаткичлари юқори бўлишини талаб этади.




**2-расм. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида илмий салоҳият кўрсаткичлари, %**

Олий таълим тизимидаги педагог-ходимларнинг 6 фоизини фан докторлари, 27 фоизини – фан номзодлари ташкил этади, 67 фоизи эса – илмий даража ва унвонсиз педагог-ходимларга тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги маълумотларига кўра мамлакатимизда умумий илмий салоҳият кўрсаткичи 33,3 фоизни ташкил этади – бу эса, университет ва институтларда илмий-тадқиқот фаолиятини янада жадаллаштириш вазифасини келтириб чиқаради. [2] Илмий ижодиёт методологиясини пухта ўзлаштирган фан доктори ёки фан номзоди мустақил изланишлар олиб бориш, иқтидорли ёшлар илмий фаолиятига ва турли илмий лойиҳаларга раҳбарлик қилиш, уларни амалга ошириш орқали аниқ амалий натижалар олиш имкониятига эга, корхоналар буюртмасига асосан илмий-амалий ишланмалар яратишга лаёқати етарли бўлади. Мазкур масалани ечишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралда қабул қилинган 4958-сонли “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони олий ўқув юртдан кейинги таълимнинг икки поғонали: таянч докторантура ва докторантура тизимини жорий қилиш орқали олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти кўрсаткичларини ўсишига ва олий таълим муассасаси битирувчиларини илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этишга қаратилган.

Ҳар қандай тадқиқот, айниқса инновацион фаолият, маълум моддий-техник базани талаб этади. Инновацион ғоя инновацион маҳсулотга айланиши учун хом-ашё, турли материаллар, ускуналар, тажриба-конструкторлик мосламалари ва бошқа моддий активлар керак бўлади. Кўп ҳолларда амалий натижа олиш ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда молиялаштиришга боғлиқ бўлиб қолади. Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларнинг умумий ҳажми 2015 йилда 37 899,8 млн. сўмни ташкил этган бўлса, улардан 74,2% - давлат бюджетидан, 8,1% - чет эл грантлари эвазига, 17,7% - бошқа манбалардан молиялаштирилган. Ҳар йили давлат бюджетидан молиялаштириладиган илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган лойиҳаларда университет ва институтлар фаол қатнашиб, олий таълим муассасалари педагог-ҳодимлари фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларда иштирок этиб келмоқдалар.



**3-расм. Олий таълим тизимида давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилган лойиҳаларнинг молиялаштириш ҳажми, млрд. сум**

Олий таълим тизимида давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилаётган лойиҳаларнинг молиялаштириш ҳажми 2010-2015 йилда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2010 йилга нисбатан 3,4 баробарга ўсди. [4] Аммо илмий-тадқиқот фаолиятни молиялаштириш таркибида корхоналар буюртмаси асосида бажарилган ишланмалар 15 фоиздан камроқ ресурсларни ташкил этган. Бундай ҳолатни, корхоналар инновацион фаолиятга сармоя киритиш жозибадорлигининг пастлиги, қонунчиликда инновацион фаолият учун махсус имтиёзлар тизими яратилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Замонавий глобаллашув шароитида хорижий ҳамкорлик турли соҳаларда илмий-техника тараққиёти натижалари билан алмашишга ёрдам беради. Сўнгги йилларда Tempus ва Erasmus Mundus каби Европа таълим дастурлари доирасида Европа олий таълим муассасалари билан ҳар томонлама академик ва илмий алоқалар ўрнатилган. Ўзбекистонда 10 та Темпус лойиҳалари, шунингдек 18 та Erasmus plus лойиҳалари ва 80 та кредит мобиллиги бўйича университетлараро ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда. Темпус ва Erasmus plus лойиҳалари республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистондан жами 56 та олий ўқув юртини қамраб олган. [5] Аммо 2015-2016 ўқув йилида хорижий лойиҳаларда фақат 697 нафар педагог-ҳодим иштирок этганлар – бу эса асосий штатдаги педагог-ҳодимларнинг 3 фоизини ҳам ташкил этмайди. Шунинг учун олий таълим тизимида инновацион салоҳиятни ошириш мақсадида хорижий лойиҳаларда педагогларни иштирокини фаоллаштириш мақсадга мувофиқ. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотларига кўра, олий таълим тизимида 45,8% педагоглар инглиз тилини биладилар, 86,4% эса – ахборот-коммуникация технологиялардан

ўқув жараёнида эркин фойдаланадилар. Бу эса хорижий лойиҳаларда иштирокнинг ташкилий қисмини таъминлашга замин яратади.

Олий таълим тизимининг инновацион салоҳиятини ошириш мақсадида, авваламбор, олий ўқув юртларига бўлган ижтимоий муносабатни ўзгартиришдан бошлаш керак, уларни фақатгина ўқув маскани эмас, балки илмий ғояларни тўплаб янги маҳсулотлар, технологиялар ва номоддий активлар барпо этувчи муассасалар сифатида қабул қилиниши, республикада илм-фан ва олимларнинг обрўсини, уларнинг меҳнат натижаларини кенг оммага намоён этиш механизмларини яратиш лозим. Ўз ўрнида педагог-ходимлар талабаларга биргина билим бериш билан чекланиб қолмасдан, улар ичида энг иқтидорли ёшлар ҳаракатини долзарб илмий-техника муаммоларни ечишга жалб этишлари лозим. Ундан ташқари, олимларга, кашфиётчиларга, инновацион фаолият иштирокчиларига рағбатлантириш усулларини қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Яратилган инновациялар, интеллектуал мулк объектларидан фойда олиш ва мулк муносабатларини олий таълим муассасалари ва яратган педагог-ходимлар ўртасида тақсимлаш масаласи ҳам қонунчиликда аниқ белгиланмаган. Илмий-тадқиқот фаолиятни молиялаштириш жараёнларида иштирок этаётган хусусий сектор субъектларига ҳам имтиёзлар тизими белгиланиши ушбу соҳага инвестицияларни жалб этишга замин яратади. Кенг кўламли ислохотлар заминида олий ўқув юртларини миллий ва ҳудудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда кенг жалб этиш уларнинг инновацион салоҳиятини оширишдаги янги босқични белгилаб берган бўлар эди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожининг юқори суръатларини сақлаб қолиш, миқдор кўрсаткичлар билан бир қаторда тараққиётнинг сифат кўрсаткичларига эришиш мақсадида турли жалб этилмаган омиллар ва захираларни излаб топиш ва жорий этишимиз, шу жумладан олий таълим тизимининг кенг имкониятлари ва инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш, давр талаби бўлиб қолмоқда.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак, [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари/ Статистик тўплам (2015-2016 ўқув йили), Т.: “Sano-standart”, 2016 йил - 210 бет.
3. Основные показатели развития научно-технического потенциала и инноваций Республики Узбекистан в 2015 г./ Статистический бюллетень, Т.: Госкомстат, 2016, с. 83.
4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.
5. [www.edu.uz](http://www.edu.uz) сайти маълумотлари асосида ёритилган.